

**“ТАСТИҚЛАЙМАН”**

**Сурхондарё вилоят перинатал  
маркази директори**

**П.Х.Қурбонов**



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Термиз шаҳри 2022**

## **Танлов ҳужатлари мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **II. Техник қисм**

### **III. Нархлар қисми**

### **Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Сурхондарё вилояти перинатал марказида жорий таъмирлаш ишлари
- 1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан -117 500 000 (Бир юз ун етти миллион беш юз минг) сум. Ушбу қийматдан ортиқ таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.
- Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати : Ғолиб булган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. Сурхондарё вилояти перинатал маркази (бундан кейин "буюртмачи" деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Ўзбекистон республикаси, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, И. Каримов кучаси. 288-уй.  
Эл. адрес:
- 2.2. Танлов "буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Сурхондарё вилоят перинатал маркази "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартиб, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма мабларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни бериша банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомила ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар, Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда);

Низом. маблағи. миқдори

Молиявий. натижалар

Ишчи. ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги.



3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликга биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига, қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex,uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

\*Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак.

\*Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тастиқланган ҳолда ҳар варағини муҳрлаб тастиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

\*Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади.

\*Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

Фақат битта таклиф бериши мумкин;

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади; Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириш мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш туғрисидаги қарор махсус ахбарот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг қонунчиликда белгиланган тартибда



давлат бюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат бюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли, Товарни (ишни ва хизматни) ўзгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан камида ўн кунга узайтирилиши керак, Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборо ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонга белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат бюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат бюртмачиси, агар мазкур сўров давлат бюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат бюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат бюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрасилган шартлар асосида тузилади.